

Истисқо намози қандай ўқилади?



Истисқо намози қандай ўқилади?

Намоз

12:10 / 27.11.2025 3087

Ёмғир (сув) сўраб ўқиладиган намознинг номи «истисқо» дейилади. Истисқо намози деб сувга муҳтож бўлиб қолинганди Аллоҳ таолодан бандаларининг ёмғир талаб қилиб ўқиладиган намозига айтилади. Буни яшаётган жойларининг сувидан экинларию ҳайвонларини суғориб турган, дарё, анҳор ва булоқлари бўлмаган одамлар ўқишади. Мабодо, анҳор ва булоқлари бўлса ҳам, эҳтиёжларига етмаётгани сабабли ушбу намоз ўқилади.

Истисқо намози худди икки ҳайит намози каби адо қилинади, лекин бунда зоиди такбирлар айтилмайди. Намоз ўқиб бўлингач, ерда ўзаро туриб иккита хутба ўқиш мустаҳаб амаллардандир. Аммо ҳайит намозларидек минбарга чиқиб хутба ўқиш макруҳдир. Ҳайит намозидаги хутба такбирлари ўрнига имом истиғфор айтади. Икки хутбанинг ўртасини бир оз ўтириш билан ажратади. Имомнинг хутба мобайнида қибла томонга юзланиб туриши мандубдир. Хутбадан бир оз кейин имом кийимини тескарисига ағдариб кийиб олади ва тасбеҳ айтиб, мўминлар ва мўминалар ҳаққига истиғфор айтади. Лекин имомга эргашган инсонлар кийимларини тескарисига ағдариб киймайдилар. Кейин имом одамлар томонига юзланиб, тик турган ҳолида қуйида келадиган истисқо дуосини ўқийди, одамлар эса қиблага юзланиб ўтиришади ва имомнинг дуосига «омин» дейишади:

????????? ?????????? ?????????? ??????????

????????? ?????????? ?????????? ????????

????????? ?????? ?????????? ?????????? ?????? ????????

????? ?????????? ?????? ???????. ?????????????? ??????

????????????? ?????????????? ?????????????? ??????????????

?????????????????. ?????????????? ?????????????????? ???????

?????????????. ?????????????? ?????????????? ?????????? ??????????????

??????????? ?????????????? ?????????? ?????????????????? ??????????

????????? ?????????? ???????????. ?????????????? ??????????????

????????????? ?????? ?????????????????? ?????? ?????????????????????.

????????????? ?????????????? ?????? ?????????????????? ??????????????

?????? ?????????????????? ?????????????????? ?????????????? ???

????????????? ?????????????????? ?????????????? ?????????? ??????

????????????????? ??? ??? ?????????????????? ?????????????.

????????????????? ??????? ?????????????????? ??????????????????????

????????? ?????????????? ?????????? ??????????

?????????????. ?????????????? ??????? ?????? ??? ??????

????? ?????????? ??????? ?????????????? ??????????

????????????????? ?????????? ?????????????? ??????????????

????????????? ??? ?????????????? ?????? ??????????

?????????????? ?????? ??????. ?????????????? ????????

????????????????????? ?????????? ??????? ??????????????

?????????????? ?????????????? ??????????????.

**«Аллоҳумма ағисна, Аллоҳумма ағисна, Аллоҳумма ағисна.
Аллоҳумма суқйа роҳматин вала суқйа азобин вала маҳқин вала
балоин вала ҳадмин. Аллоҳумма ʔалаз зироби ва манабитиш
шажари ва бутунил авдийати. Аллоҳумма ҳаволайна вала ʔалайна.
Аллоҳуммасқина ғойсан муғийсан ҳанийʔан марийʔан ғодақон
мужаллилан саҳҳан омман тобақан даиман. Аллоҳуммасқинал ғойса
вала тажʔална минал қонитийн. Аллоҳумма анбит ланаз зарʔа ва
адирра ланад дарʔа ва анзил ʔалайна мин барокатил арди вакшиф
ʔаннаа минал балои маа лаа йакшифуҳу ғойрука. Аллоҳуммасқи
ʔибодака ва баҳоимака ваншур роҳматака вааҳйи баладакал
маййита. Аллоҳумма анталлоҳу ла илаҳа илла анта антал ғониййу ва
наҳнул фуқароу анзил ʔалайнал ғойса важʔал ма анзалта лана
қувватан ва балаған ила ҳийн. Аллоҳумма инна настағфирука иннака
кунта ғоффаро, фаарсилис самаа ʔлайна мидроро».**

Ёмғир талаб қилиб ўқиладиган намоз учун ўз масканларидан четроққа уч
кун кетма-кет чиқиш мустаҳабдир. У ерга аҳли зиммийлар (яъни Ислом
юртида яшаш эвазига товон тўловчи бошқа дин вакиллари) олиб

чиқилмайди. Ҳар кун чиқишдан олдин мусулмонлар тавбаларини янгилаб, зулмларига тавба қилиб, бева-бечораларга садақа қилишлари ҳам мустаҳаб амаллардандир. Ҳар бир мусулмон ер юзидаги барча мусулмон биродарлари ҳаққига истиффор айтади.

«Мўминнинг меърожи» - муфассал намоз китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/6543-рақамли хулосаси асосида тайёрланди